# «Дамхўжа»
# минтақалараро сув қувуридан
# фойдаланиш бошқармаси
# У С Т А В И

Бухоро – 2016 йил

# I. УМУМИЙ КОИДАЛАР

1.1. Дамхўжа минтакалараро сув кувуридан фойдаланиш бошкармаси (матнда кейинги ўринларда «Бошкарма» деб юритилади). Дамхўжа минтакалараро сув кувуридан фойдаланиш бошкармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 22 июлдаги 371 - сон карори ва Ўзбекистон Республикаси коммунал хўжалиги вазирлигининг 1993 йил 05 октябрдаги 149 - сон буйруғи асосида ташкил топган. Корхонанинг асосий вазифаси сифатли ичимлик суви ишлаб чикариш, Самарканд, Навоий ва Бухоро вилоятлари, шаҳар, туман марказлари, ахоли яшаш пунктлари ва бошка корхоналарни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш.

1.2. Бошкарма 2006 йил 17 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–445–сон карорига мувофик Ўзбекистон "Ўзкоммунхизмат" агентлиги таркибига киради ва юридик шахс хисобланади.

Бошкарма ўзининг мустакил балансига, айланма маблағларига, банкдаги хисоб ракамларига, штамплари ва бланкларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири, ўзининг ва "Ўзкоммунхизмат" агентлиги номи билан "Дамхўжа минтакалараро сув кувуридан фойдаланиш бошкармаси" ёзуви, давлат тилида тўлик ёзилган мухрга эга.

1.3. Бошкарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси конунчилиги, "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг буйрук ва кўрсатмалари ҳамда мазкур Устав асосида юритади.

1.4. Бошкарманинг расмий номланиши:

ўзбек тилида - Дамхўжа минтакалараро сув кувуридан фойдаланиш бошкармаси (қискартирилган номи «Дамхўжа» МСҚФБ);

рус тилида - Управление по эксплуатации межрегионального Дамходжинского водопровода (кискартирилган номи УЭМ «Дамходжинского водопровода»).

2.2. Бошкарманинг вазифалари куйидагилардан иборат:

- минтакалараро сув кувурини ишончли ва баркарор ишлашини таъминлаш, сифатли ичимлик сувини узлуксиз тарзда етказиб бериш;

- истеъмолчиларга Давлат стандартларида белгиланган талабларига жавоб берадиган сифатли ичимлик сувини шартномалар асосида етказиб бериш;

- ичимлик суви ишлаб чикариш, сув узатиш иншоотларида сувни зарарсизлантириш ва сув кувурларидаги носозликларни энг киска муддатларда бартараф этиш ва кутилмаган носозликларни олдини олиш, уларни сабабларини чукур ўрганган ҳолда такрорланмаслик чораларини кўриш, мавжуд ишлаб чикариш кувватларидан самарали фойдаланиш, тежамкорлик ва иктисодиёт тартиб-коидаларига катъий риоя килиш, илмий-техника тараккиёти ва илгор тажрибаларнинг энг замонавий ютукларини жорий этиш, ичимлик суви кувурларидан фойдаланишга чет эл технология-ларини жалб килиш;

- «Ўзкоммунхизмат» агентлигига Бошкармани ривожлантириш ва келгуси фаолиятини самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва келишиш; объектларнинг рентабеллигини ошириш дастурларини тайёрлаш, ушбу максадга йўналтирилган зарурий асбоб-ускуналар ва таъмирлаш материаллари билан етарли таъминлаб бутлаш;

- атроф-муҳитни муҳофаза килиш, кўриклаш билан боглик чора-тадбирларни амалга ошириш;

- бозор иктисодиёти шароитларида хўжалик юритишнинг янги замонавий услубларини ишлаб чикиш ва жорий этиш, молиявий-иктисодий ишларнинг самарадорлик даражасини ошириш, мунтазам равишда молиявий аҳволни мустаҳкамлаш.

## III. БОШҚАРМАНИНГ МУЛКИ

3.1. Бошқарманинг мулки қуйидагилардан иборат:

- муассис томонидан Бошқармага оператив бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган мулк;

- ўз фаолиятидан олинган даромадлари;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади.

Бошқарма мулкининг қиймати корхонанинг мустақил балансида акс этади.

3.2 Бошқарма мулкини тасарруф этишни қуйидаги ҳолларда Бошқарманинг ижро этувчи органи томонидан муассис билан келишилган ҳолда амалга оширади:

- бошқарма ҳисобидаги асосий воситаларни муассис розилигига асосан сотиш ва уларни ижарага бериш;

- мулкни хўжалик жамияти устав фондига улуш сифатида қўшиш;

- хўжалик жамиятларининг улушларини (акцияларини) сотиб олиш.

3.3 Бошқарманинг фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқа мулкка эгалик қилиш тури:

- бўш бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаган) сотиш. Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

- бино ва иншоотларни (шу жумладан қурилиши тугалланмаган) сотишдан тушган маблағлар, уларни сотиб олиш манбаларидан қатъий назар, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинган маблағлар тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тақсимланади.

1.5. Бошкарманинг муассиси – Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги юридик манзил: 100035, Тошкент шахри, Юнусобод тумани Ниёзбек йўли кўчаси, 1.

1.6. Бошкарманинг устав фонди 2 905 484 000,0 (икки миллиард тўққиз юз беш миллион тўрт юз саксон тўрт минг) сўмни ташкил килади. Устав фондининг камайиши ёки кўпайиши "Ўзкоммунхизмат" агентлиги томонидан белгиланади ва тасдикланади.

1.7. Бошкарма ўз мажбуриятлари юзасидан тасарруфидаги барча мол-мулки билан жавобгар бўлади. Бошқарманинг мол-мулки асосий ва айланма воситалари унинг бухгалтерия балансида акс эттирилган мулкдан иборат. Бошкарма қонунчиликда белгиланган тартибда ўз мулкига эгалик килиш, фойдаланиш ва бошкариш ҳуқукига эга. Бошкарма қонунда кўрсатилган тартибда устав фондини шакллантиради, устав фонди миқдорини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

1.8. Бошкарма сифатида бошка давлат корхонасининг ташкилотчиси бўлиш хукукига эга эмас.

1.9. Бошкарма «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди. Алохида ҳолларда биргаликдаги жавобгарлик шартномавий мажбуриятлар ва Бошкарма фаолиятига тегишли меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

1.10. Бошкарманинг юридик манзили: Бухоро вилоят, Бухоро шаҳри Низомий кўчаси- 9 уй. почта бўлими 200107 «Дамхўжа» МСҚФБ.

## II. БОШҚАРМАНИНГ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТИ

2.1. Бошкарманинг асосий максади ва фаолияти - сифатли ичимлик суви ишлаб чикариш, Самарканд, Навоий ва Бухоро вилоятлари Сувокова ДУК ва унинг шаҳар, туман филиалларига, хамда бюджет ташкилотлари, КФЙ, МФЙ худудларига, шунингдек тадбиркорлик ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга шартнома асосида сифатли ичимлик суви етказиб бериш:

3.3. Мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- сув ишлаб чиқариш, етказиб берилаётган ичимлик суви ҳамда кўрсатилган бошқа хизматлардан, хўжалик юритишнинг бошқа турларидан келиб тушадиган даромадлар;

- Ҳукуматнинг, давлат органларининг қарорлари ҳамда юқори ташкилотнинг буйруғига асосан олинган мулклар;

- Бошқарма фойдаси ҳисобидан шакллантирилган резерв капитал, мулкни қайта баҳолаш натижасида юзага келадиган инфляция резервлари;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ман этилмаган бошқа манбалар.

3.4. Бюджетга тўланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, муассисни сақлаб туриш учун кўчириладиган пул маблағлари, шунингдек марказлаштирилган жамғармаларга ўтказилган маблағларни Бошқарма мустақил белгилайди. Фаолиятдан олинган фойда Бошқарманинг тўлиқ тасарруфида қолади ва ўз фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилади.

## IV. БОШҚАРМАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- Қонун билан белгиланган тартибда контракт, меҳнат шартномаларини, ишчи ва хизматчилар билан келишув асосида тузади;

- Бошқарма фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш бўйича ўрнатилган тартибга асосан маҳаллий мутахассисларни чет элга хизмат сафарларига юбориш ва хорижий мутахассисларни таклиф этиш;

- шартномалар асосида банк кредитларидан фойдаланиш ва улар бўйича ўз мулки билан жавоб бериш;

- бошқарманинг базасидаги мавжуд машина-механизмлар ва асбоб-ускуналардан ишлаб чиқаришда эхтиёж бўлмаган вақтларда ижара шартномаси асосида хизматлар кўрсатиш;

- ижара шартномалари орқали тушадиган маблағларни ишчи - ходимларга ойлик маош ва кредит тўловларини ёпишга йўналтириш;

- ичимлик сув иншоотлари ҳамда сув тармоқларини қуриш, сув қудуқларини қазиш, реконструкция қилиш, мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини бошқа буюртмачи ташкилотлар билан шартнома асосида иш бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

Бошқарма Уставида белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларини ҳам амалга ошириши мумкин.

4.2. Бошқарманинг мажбуриятлари:

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига сўзсиз риоя қилиш;

- хўжалик фаолиятининг барча турларини амалга ошириш, агар улар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари томонидан таъқиқланмаган бўлса ва Уставда кўзда тутилган мақсад ва вазифаларга жавоб берадиган бўлса;

- моддий ва пул ресурсларини ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш фонди маблағларини Бошқарма учун хизмат ёки иш бажарадиган ташкилот ва корхоналарга бериш;

- ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг усуллари ва турларини мустақил белгилаш;

- тасарруфидаги ичимлик суви тармоқларини ва иншоотларини капитал таъмирлаш, реконструкция қилиш;

- фойдаланишидаги сув қувурларини, биноларни, иншоотларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш, технологик жиҳозларни, махсус автотранспорт воситалари ҳамда механизмларни таъмирлаш, эскирган техникаларни замонавий янги тежамкор техникаларга алмаштириш;

- Республика бюджети маблағлари ва марказлашган ишлаб-чиқаришни ривожлантириш фонди, шунингдек банк кредитлари ҳисобидан олиб борилаётган ишлаб-чиқариш, қурилиш-монтаж ишларининг сифати устидан техник назоратни амалга ошириш;

- Бошкармада объектларни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник қайта жихозлашнинг амалга оширишда пудрат, хўжалик ва хўжалик-пудрат усулларидан фойдаланиш;

- хўжалик фаолияти натижаларига кўра, Уставга мувофик белгиланган тартиб қоидаларга асосан ходимларни мукофотлаш ва рағбатлантириш;

- амалдаги конунчилик ва тузилган шартномаларда кўрсатилган мажбуриятларни бажариш;

- асосий фондлар ва банк кредитларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

- конун хужжатларида белгиланган хукукий ишларни олиб бориш, "Ўзкоммунхизмат" агентлиги буйруклари, кўрсатмаларини хамда фукаролардан келиб тушадиган шикоятлар, таклифлар ва аризаларни ўз муддатларида бажарилишини таъминлаш;

- Бошкармада кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва жойлаштиришни амалга ошириш;

- атроф - мухитни мухофаза килиш талабларига риоя этилишини амалга ошириш;

- носозликларни олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек ёнғин хавфсизлиги ва Давлат мулкини кўриклаш бўйича ишларни амалга ошириш;

- мехнат мухофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича ишларни ташкил этиш

## V. БОШКАРМАНИНГ ХЎЖАЛИК, ИКТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ

5.1. Ўз фаолияти давомида Бошкарма куйидагиларни таъминлайди ва амалга оширади:

- лойиха ишларини режалаштириш, келажакдаги лойихалаштиришлар бўйича шартномаларни расмийлаштириш, экспертиза ўтказишни ташкил этиш, хужжатлар бўйича назорат;

- бошқарма тасарруфидаги иншоот ва бўлимларни Давлат кадастр рўйхатидан ўтказиш;

- энергияни тежайдиган технологияларни, шунингдек энергия ресурслари ва сув сарфини хисобга олишнинг замонавий приборларини жорий этиш;

- бюджетга солик ва бошқа тўловларни ўз вактида тўлашни, шунингдек давлатнинг барқарорлаштирилган ва бошқа фондларига маблағ ажратиш;

- жамоа шартномаси мажбуриятларини бажарилишини;

- фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни қўллаш хисобидан меҳнатни ташкил этишни, меҳнатга тўлов тизимини, ишчиларни моддий рағбатлантиришни, Бошқарма тузилишини такомиллаштириш;

- ичимлик сувини зарарсизлантириш, сифати устидан химик-бактериологик назоратни қўлланма (методика) асосида ташкил этиш;

- объектларни қиш шароитида ишлашга тайёрлаш, таъмирлаш ишларини амалга ошириш, қурилмаларни паспортлаштириш;

- меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси устидан назорат қилиш, ПБХ-95 қоидаларига амал қилиб ишлаб-чиқаришда травматизмни олдини олиш;

- ёнғин хавфсизлиги ва шахсий химояланиш қуроллари билан таъминлаш;

- технологик жараёнларнинг автоматизация, телемеханизация ва янги замонавий ахборот коммуникация технологиялари бўйича тадбирларни жорий қилиш, корхонанинг техник даражасини кўтариш.

5.2. Бошқарманинг меҳнат муносабатлари:

- меҳнат даромадлари тўлови, меҳнат ва дам олиш тартиби, Бошқарма маъмурияти ходимларини ижтимоий таъминлаш, ўқитиш ҳамда суғурта қилиш, ходимларни ёллаш Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, томонлар ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси билан тартибга солинади;

- Бошқарма ишчиларининг меҳнат қоидалари меҳнат тўғрисидаги амалдаги қонунлар ва жамоа шартномалари билан тартибга солинади;

- ҳар бир ишчининг меҳнат даромади Бошқарма ишининг якуний натижасини хисобга олган ҳолда унинг шахсий меҳнат улуши билан белгиланади, солиқлар билан тартибга солинади ва максимал ўлчами билан чекланмайди;

- меҳнатга тўлов шакли, тизими ва ўлчами, шунингдек ишчилар даромадининг бошқа турлари амалдаги қонунларга мувофиқ ўрнатилади;

- ходимлар иш ҳакининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик ўрнатилади.

### 5.3. Ижтимоий фаолият:

- ижтимоий ривожланиш масалалари, меҳнатнинг давомийлигини, шароитини яхшилаш масаласи ҳам Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофик маъмуриятнинг катнашиши билан Бошкарманинг меҳнат жамоаси билан ҳал килинади.

Бошкарма давлат ижтимоий суғурта фонди ва пенсия фондига амалдаги конунчилик ва Ҳукумат карорларида ўрнатилган ўлчам ва тартибда маблағларни ажратишни амалга оширади.

## VI. БОШҚАРМАНИ БОШҚАРИШ

6.1. Бошкармани Ўзбекистон "Ўзкоммунхизмат" агентлиги Бош директори томонидан тайинланган директор бошкаради. Директорни вазифасига тайинланганда, у билан унинг ҳукуки, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгиланган меҳнат шартномаси (контракт) тузилиши лозим.

6.2. Бошкарма раҳбари корхонанинг якка ижро этувчи органи ҳисобланади ва Бошкарма олдига қўйилган вазифаларини бажаришни ташкил этади, унинг номидан ишончномасиз фаолият юритади ва унинг манфаатларини ифодалайди, яъни:

- ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустакил равишда карорлар кабул килади;
- Бошкарма номидан келишувларни, битимларни белгиланган тартибда амалга оширади;
- Бошкарма шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди;
- Бошкарманинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичлари бажарилишини таъминлайди;
- ишончнома беради, пул маблағлари ва моддий бойликлар олиш учун ҳисоб-китобларини ва тўлов ҳужжатларини имзолайди;
- ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади ва уларни тугатиш (бекор килиш) тўғрисида карор кабул килади;
- Бошкарма ходимларига нисбатан амалдаги конунчиликда кўзда тутилган интизомий жазо чораларини кўллайди;
- ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиклайди, лавозим иш ҳаклари, уларга устамаларни, турли кўшимча тўловларни белгилайди, бошкарма ходимларини рағбатлантиради ва шунингдек, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш максадида компенсация тўловларини ўрнатади.

6.3. Бошқарма ходимларининг штат жадвали ва уларнинг иш ҳаки миқдори бўйича муассис билан келишган ҳолда тасдиқланади.

6.4. Бошқарма раҳбари давлат сирининг сақланилиши учун жавобгарликни Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофик ўз зиммасига олади.

- қонунчиликда белгиланган бошқа вазифаларни бажаради.

6.5. Директор бўлмаганда унинг вазифасини бажариш Бошқарма буйруғи билан белгиланган бош муҳандис - директор ўринбосарига ёки бошқа раҳбар шахсга юклатилади.

6.6. Бош муҳандис - директор ўринбосари лавозимига "Ўзкоммунхизмат" агентлиги келишуви бўйича Бошқарма директори томонидан тайинланади.

## VII. БОШҚАРМАНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

7.1. Бошқарманинг фаолиятига қуйидагилар киради:

- Бошқарманинг бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

- Бошқарма бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

- Бошқарма раҳбари муассис олдида корхона уставида белгиланган тартибда корхона фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

7.2. Бошқарма фаолиятининг комплекс тафтиш қилиш ўрнатилган тартибда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

## 8. БЕКОР ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

8.1 Бошқармани бекор қилиш ва қайта ташкил этиш (қўшиш, ажратиш, бириктириш ва ўзгартириш) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

«Дамхўжа»